

ШАМСИ ОДИЛ



**ЧЎҚҚИДАГИ  
ШУЪЛАЛАР**  
*(Шеърлар ва эртаклар)*

Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитети  
«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти  
Тошкент — 1980



Шамси Одил 60-йилларда адабиётга кириб келган шоирларимиздан бири. У адабиётга кириб келгунга қадар бой ҳаёт тажрибасига эга бўлди. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтига ўқишга кириб, адабиёт сирларини ўрганди.

Шамси Одил институтни муваффақиятли тугатганидан сўнг, аввал ўзи туғилиб ўсган Каттақўрғонда ўқитувчи бўлиб ишлади, сўнг район халқ маорифи бўлимида хизмат қилди. Айни пайтда энг эзгу нияти — бадийий ижод билан шугулланишни давом эттирди, изланишда, ҳаракатда бўлди. Бу изланишларнинг маҳсули ўлароқ шоирнинг илк шеърый мажмуаси «Қайнар булоқ» (1970) дунёга келди. Шундан сўнг шоирнинг қатор шеърый тўпламлари ўз китобхонлари қўлига бориб тегди. У СССР Езувчилар союзи аъзолигига қабул қилинди. Қўлигиздаги бу китоб ҳам, азиз шеърхон, шоир Шамси Одилнинг асосан янги шеърларидан дасталанди.

70403—119  
Ш 356(04) — 80 67 — 80 470000000

© «ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти, 1980

*Ушбу китобни мўътабар Отам ва Онам-  
нинг ёрқин хотирасига бағишлайман*



**ГУЛ ДИЁР**



## ЧАҶМОҶ

Шоирдан шеър қолар,  
Деҳқондан-чи, боғ.  
Меҳнатинг самари юрагинг ёқиб —  
Қолдирган бўлса чўғ, қалбингда йўқ доғ...

О, ҳаёт, тинч қўйма, тур чақмоқ чақиб,  
Нотинч юрак мени асрасин уйғоқ!  
Сарҳисоб этганда ортимга боқиб,  
Кўзимга кўринсин мен қолдирган боғ...  
О, ҳаёт, тинч қўйма, тур чақмоқ чақиб!



## БАТАН

Ватан бағринг ажиб, сўлим,  
Гулдек кулиб яшагум.  
Меҳрим пойандовдай қилиб  
Қучоғингга тўшагум.  
Сенда ўтган ҳар онимнинг  
Бир йилга тенг мазмуни.  
Шунда томган  
Киндик қоним,  
Ардоқлагум мен сени.



## МАҶСАД

Маҷсад Она сути каби  
Лазиз, пок.  
Гўё кузда, шох учида  
Қолган нок...  
Меҳри тортиб,  
Кесак отиб-отиб  
Ололмайин ташлаб  
Кетасан...  
Гайрат бўлса,  
Тирмашасан,  
Шохдан-шохга  
Ўтасан.  
Охир —  
Нокка етасан.



## АҚЛ ВА ЮРАК

Ақл билан юракдир иноқ,  
Ақл тошу,  
Юрак тарози.  
Юрак шўхроқ...  
Иқрорман, бироқ  
Ақл посаңгига мутлақ норози...  
Юракнинг ҳар доим қўш палласига  
Ақл қўяр вазминлик тошин.  
Учмай юрак васвасасига  
Тўғри тутар шайиннинг бошин!..



## ИККИ ЛОЛА

Жом тоғидан  
Лола уздим,  
Гуллола,  
Гуллоламас,  
Гўё қирмиз пиёла.

Пиёламас,  
Кун парчаси,  
Ўиз бола.  
Нигоҳ ташлар гўё  
Мендан уёла.

Киприклари  
Қадалади —  
Жон ола.

Ўиз боламас,  
Ол барқутда —  
Келинчак...  
Келинчакки,  
Тонгда кулган  
Гул чечак.

Дедим боқиб,  
Баҳор қизи ҳур лола,  
Юр!  
Дастгоҳда  
Кутар адашинг Лола.

Узиб олдим уни майин —

Утлоқдан,  
Қоя узра ял-ял ёниқ —  
Даргоҳдан.  
Ва келтириб  
Тухфа қилдим ёримга  
Ол лолани,  
Садқаман гулзорингга!

Ёр лолани олиб  
Кўксига тақди,  
Ол лоладек  
Қип-қизариб  
Шўх боқди.  
Шунда завқ-ла боқдим  
Қўша лолага.

Билмам не хил таъриф  
Береам Лолага,  
Қуёш янглиғ ҳусн кўрдим  
Лолада,  
Севги майин —  
Лим кўрдим  
У пиёлада.





## ВОДИЛДА

Оҳу кўрдим мен Водилда.  
Илҳом ҳоким бу кўнгилда,  
Оҳу олди қалбим боғлаб —  
Ортдан чопдим  
Мен сўроқлаб,  
Оҳу қайда?

Қани, о... о... ҳу... у?

Тоғдан келди акси садо,  
Дара деди:

«Шоир содда —

Йироқ кетди,  
Оҳунг қайда? —

Минг бор чақир, ҳеч йўқ  
Фойда».

Оҳу қайда?

Қани, о... о... ҳу... у?

О, оҳуни кўрдим бир бор,  
Сузук кўзи этди хумор —

Шу сузук кўз ёримда бор,  
Қани ёнда бўлса дилдор:

Оҳу қайда?

Қани, о... о... ҳу... у?

Оҳу кетди...

Изи қолди,

Хотирамда кўзи қолди.

Илҳом қолди,

Қалбим лолди

Водил дилга гулу солди.

Оҳу қайда?

Қани, о... о... ҳу... у?

Деди шеърим:  
«Мендир оҳу,  
Ишқинг ҳаққи,  
Эсдалик бу!  
Билмайсанми? Оҳу кўп қув  
Ҳатто юрмай, учади гув...  
Илҳоминг бу...  
илҳоминг бу.  
Мана Оҳу!  
Мана Оҳу!...»  
О... ҳу ...у!



## ҲАЁТ, СЕНИ ЖОНДАН СЕВАРМАН

Орзу билан инсон бахтиёр,  
Орзу-умид эртанги ҳаёт.  
Турмуш лазиз,  
Раҳматим минг бор,  
Ҳар соз куним  
Қолсин умрбод.

Фақат, ҳаёт сендан бир тилак  
Мени беғам,  
Бесамад этма.  
Ғафлат босиб ётмайин бирдак,  
Пастқам йўлда қолдириб кетма...



## ГАР КЎЗИМ ОЙ БЎЛСА

Гар кўзим ой бўлса  
Кипригим юлдуз.  
Бағрим кенг самодир,  
Юксакда чексиз.  
Дафтарим Она-Ер,  
Қаламим кетмон,  
Ҳаётни гуллатмай  
Мен йитиб кетмам...



## МЕН СОҲИЛДА

Фикрим оқар мисли бир дарё,  
Жамолингга назар соламан.  
Сен оқимда кетурсан гўё,  
Мен қирғоқда туриб қоламан.

Орамиз ҳам бўлади йироқ,  
Мен йиғлайман — гўё боламан.  
Сен борасан кемада қувноқ,  
Мен соҳилда ғамгин қоламан...



## ШУКРОНА

(Қўшиқ)

Шу соф осмон остида биз бор  
Ҳар нафасинг мен учун гавҳар.  
Кўргум келур ҳар он сени, ёр,  
Сен ҳам менга интиқсан,  
Хуштор...

Гоҳ боқишинг Жайҳун каби тез  
Ялаб кетар юрак-бағримни.  
Ураб олар ҳаёт тўлқини,  
Баъзан шоширади ақлимни...

Сенга боқиб узоқ ва такрор  
Кўзларингдан ичурман ҳаёт,  
Бахтимга сен бор бўлгин эй, ёр,  
Соғлик тилай сенга умрбод.  
Шу соф осмон остида биз бор...



## АТРОФ СОКИН

Атроф сокин.  
Олам уйқуда,  
Юлдузчалар бедор шу соат.  
Рашк-ла кўкдан шуъласин сочиб,  
Қарашга ой этолди журъат.

Шитирлашиб шохлардан барглар,  
Олтин балдоқ янглиғ тушарди.  
Ёнимизда барно —  
Нигорлар  
Қўшиқ айтиб, ишқда жўшарди.

Қуйида сой,  
Шағирлар дарё,  
«Ошиқ» Чирчиқ жўшиб оқарди.  
Бўса олсам боғлардан дея  
Қирғоқларга қулоч отарди.



## ГУЛ ДИЁР

Яна тоғлар сеҳри билан банд,  
Яна оҳу менинг ҳамдамим.  
Яна қалбим ишқ билан пайванд,  
Шалолодек шўх ўтар дамим...  
Олтин топар,  
                  топқирлар билан  
Қир,  
Сойларда юрдим эрта-кеч,  
Шоҳимардон бағрида ўлан —  
Куйлаб,  
Қимиз ичиб,  
Тўймам ҳеч.  
Илҳом бунда устоз каби чўнг,  
Ҳамза руҳи доим менга ёр.  
Ва байтларим ўйноқ...  
Ишим ўнг,  
Уғли каби севар гул диёр.



## СЕВИНЧ

Яна ташвиш тушди бошингга,  
Татимаиди сен еган нон-ош.  
Не кулфатлар йигит ёшингда,  
Ташвишни қўй, сўнмагай қуёш.  
Паға-паға булут чўлганиб  
Осмон бетин қилолмас хира. --  
Ўтли қуёш бир бор тўлганиб  
Олам узра сочганда шуъла.



## МИСРАЛАР, МИСРАЛАР...

Мисралар,  
    мисралар,  
        мисралар —  
Юракдан қуюлган ҳисларим  
Севингум каптардек учсалар...

Майлига, бир умр тинмай ҳеч,  
Мисралар қуюлсин дилимда,  
Мисралар ёйилсин элимда.

Соф дилдан куйламоқ лозимдир,  
Фаровон, гул ҳаёт созимдир —  
Мисралар,  
    мисралар,  
        мисралар...



## ҚУЛЛАР

Лоқайд қўл чўзасан,  
Менга сен ҳар гал.  
Кафтларим кафтингда  
Гўё омонат.

Кифтларим ўз юкин  
Кўтариб дангал,  
Қўлларим ўксийди...  
Қандай қабоҳат...

Дўстим, қисинма қўл  
Саҳоватидан,  
Дилнинг даъватини  
Қўлингга кўчир.

Сидқидил кўришгин,  
Юрак ўтидан  
Баҳр олсин дўстларинг,  
Чин дўстлик шудир!

Дейманки, кўришма  
Асло лоқайд ҳол,  
Кимгаки қўл берсанг,  
Дўсти бўлиб қол!





## ЧИНОР ЯПРОҒИ

Баҳору ёз бошингга соя,  
Дўл,  
Ёмғирдан этиб җимоя,  
Илк севгинг ва висолга доя —  
Бўлган япроқман!

Ой нурида тўшалиб ерга,  
Маъшуқангни кутганман бирга.  
Гоҳо хомуш,  
Гоҳ кириб тилга,  
Шитир-шитир —  
Кулган япроқман!

Ёр кўргани келсанг кун сайин,  
Қулоғингга шивирлаб майин,  
«Севиклигинг келиши тайин», —  
Деган япроқман!

## ✻ БОҒБОН СЎЗИ

(Жомлик машҳур боғбон Ерқул ота хотирасига)

«Қишлоқ ҳусни, —  
Дейди,  
— умримнинг ҳусни,  
Букчайди бел, лек йўқотмам ёш тусни.  
Менинг ҳусну кучим кўчган дарахтга,  
Элни севиб етдим шу саодатга...  
Чорбоғларда олма,  
Олча,  
Ҳақиқ нок,  
Ишкомларда кишмишию юз хил ток.  
Булар бари — узоқ умрим гавҳари,  
Фарзандимдир дарахтларнинг ҳар бири.  
Бутун умрим шуларга бағишлайман,  
Меҳнат қилиб,  
Юздан нари ошгайман.  
Ўсмирлигим бой қўлида хор ўтган,  
Гул ёшлигим чин меҳрга зор ўтган.  
Минг шукрим,  
қолган умрим соз ўтди,  
Ленин ота зулмат уйим ёритди.  
Кекса чоғим кўрдим кўп даври даврон,  
Замон яхши,  
турмуш тотли,  
эл шодон.  
Биз томонга тез-тез келиб тур ўғлон,  
Барпо этган боғларимда кез, қувон!»  
Завқ-шавқ берди дилга боғбон суҳбати  
Ерқул ота экан дилкаш,  
улфати.  
«Боғ яратган қаримас, — дер, — бир умр,  
Тирик чоғда мангуликка қўй муҳр».



## НИЛУФАР

(Талантли раққоса Қизлархон Дўстмухамедованинг  
«Тонг маликаси» рақсидан илҳомланиб)

Бир нилуфар тонг маҳали  
Ёритарди дунёни.  
Фусункор ул шуъла — лаъли  
Чўлгарди ер-самони.

Сарин елда шан силкиниб  
Барги ял-ял ёнарди.  
Баргга реза дур тўкилиб  
Хаёлларни оларди.

Мен бу оқшом оппоқ гулга  
Ҳавас билан боқардим.  
Меҳрин жойлаб ёш кўнгилга,  
Зангор сувга оқардим.

Тилла ҳовуз сатҳин қучиб,  
Шоналарди нилуфар.  
Оппоқ ҳарир этак ёзиб,  
Жон оларди нилуфар...



## СЕНИНГ ИЗЛАРИНГ...

Сени ўйлаб шеърлар тизиб чиқаман  
Мени шайдо қилган шаҳло кўзларинг.  
Кўчаларни ҳар кун кезиб чиқаман,  
Қолганмикин дея сенинг изларинг.



## ДУЛАНА

Қоя узра ўсар ёлғиз дўлана  
Қайроқ тошга томир ёзиб соллона.

Новдаларни қаранг дуркун, ям-яшил,  
Зайтунзормас атрофи, тошдир хил-хил.

Бу каромат дея билманг, муллалар.  
Шохларига латта илманг, муллалар.

Она ернинг файзи билан камоли,  
Будир ҳаёт ва яшашнинг тимсоли.



## ЧЎҚҚИДАГИ ШУЪЛАЛАР

(Кавказ туркуми)



## БАҒИШЛОВ

Тушларимга кирган залварли тоғлар,  
Хаёлим қамраган қайнар булоқлар.  
Оҳу мисол қизлар, черкас жўралар,  
Чўққиларда ёнган алвон шуълалар —  
Кавказ,  
йўлга чиқдим,  
қучоғингга ол!..  
Қўлидан келганин чалар сурнайчи,  
Кавказ сен ҳақингда куйлаб кўрай-чи.  
Гарчи бўшроқ чиқса мадҳим, илтижо:  
Топмасам ҳуснингга лойиқ сўз-жило,  
Азизим, ранжима, менадан сен асло!  
Рассом излагандек ранглар бебаҳо,  
Тимсолинг излайман, қалбда меҳринг жо.



## МЕН ТОҚҚА ЧИҚАМАН

Соф ҳаво танимга беради дармон,  
Кавказ тоғларини кўрмаслик армон.  
Гоҳида бир ўзим, гоҳо икковлон  
Ёнимда севгилим одимлар шодон.  
Мен тоққа чиқаман,  
энг баланд тоққа!

Сўқмоқлар буралар илон изидай,  
Булбуллар хониши ошиқ сўзидай,  
Оҳулар мўралар Шарқнинг қизидай,  
Тоғлар сулувидан, дейман, ўргилай.  
Мен тоққа чиқаман,  
энг баланд тоққа!

Пушкин ашъоридан файз топган бу тоғ,  
Лермонтов илҳомин қайнатган бу тоғ,  
Гамзатов бешигин тебратган бу тоғ,  
Устоз Шайхзодани сайратган бу тоғ.  
Мен тоққа чиқаман,  
энг баланд тоққа!

Она Чимёнимдек Кавказни севдим,  
Тоғлиқлар диёрин бир кўрсам девдим,  
Интилдим ниҳоят ниятга етдим,  
Юксак қоялардан тирмашиб ўтдим.  
Мен тоққа чиқаман,  
энг баланд тоққа!

Черкас, Болқар эли — кўзим қароғи  
Бағрига чорлади дўстлар гулбоғи,  
Устодлар янглиғ мен тоғлар хумори,  
Шул сабаб жарангдор қалбимнинг тори,  
Мен тоққа чиқаман,  
энг баланд тоққа!



## ЛҮЛИ ҚИЗ

(Актриса Маргарита Шулицкаяга<sup>1</sup>)

Тоғдан тушган жилғадайин  
Шилдираган шўхчан қўшиқ.  
Жонон қўшиқ айтган сайин —  
Қалбинг қайнар,  
Меҳринг жўшиқ...

Шўх дарёдек оқиминг тез —  
Эй, лўли қиз,

эй, лўли қиз.

Улкан бино кетди гурлаб,  
Чапак янграр кўкка ўрлаб.  
Қизил кўйлак ёнар ял-ял,  
Жоду кўзинг аврар... гўзал.  
Аҳволимни этмадинг ҳис —  
Эй, лўли қиз,

эй, лўли қиз.

Менга айт-чи,  
қай мақоминг?

Чегемдами,<sup>2</sup>

Жанҳо<sup>3</sup> жойинг?..

Санъат бахти, гулруҳ лўли,  
Шириндайин юртнинг гули  
Юзинг олранг, кўзинг юлдуз —  
Эй, лўли қиз,

эй, лўли қиз.

---

<sup>1</sup> М. Шулицкая — Ленинград лўлилар театрининг актрисаси. Кисловодскдаги концертда 24 бора ашула айтди.

<sup>2 3</sup> Кавказ лўлилари яшайдиган жойларнинг номи.



Рафторинг-ла айлаб сөхр  
Ўт қалбларга солдинг меҳр.  
Ошиқларни урди яшин,  
Ер-кўк титрар билмайин тин.  
Бунча санъат қайдан ато,  
Дилга қуёш солдингми ё?..  
Сўроқларга жавоб сўзсиз,  
Эй, лўли қиз,

эй, лўли қиз.



## КИСЛОВДСК ОҚШОМЛАРИ

(Устозим шоир Мамарасул Бобоевга)

Жимжит дунё экан тоғлар ораси,  
Оқшомлар бораман тошлар бағрига.  
«Кўктош»<sup>1</sup>дан кўринур Эльбрус дараси,  
Йўқолгум тоғларнинг асрий қаърига.

Оқтан қайинларга тушар нигоҳим  
Бир ажиб ҳиссиёт мени оғушлар.  
Йироқ-йироқларга кўз тикаман жим,  
Қанотида элтар гўё оқушлар.

Мовий ранг осмонинг этади сармаст,  
Шифобахш масканлар сеҳрли жуда,  
Хаёлсиз яшолмам дўстларим,  
бирпаст,  
Чинорлар жимирлаб ойнинг мавжида.

Парилар макони шу эканми ё  
Бу ерда юлдузлар учиши ҳикмат.  
Ҳилол ҳам кўринур ҳарирда барно,  
Ерга термилади қўйиб муҳаббат.

---

<sup>1</sup> «Кўк тош» — чўққи.



## ЧУ, ДУЛДУЛИМ

Чу, хаёлим  
Дулдулгинам,  
Қанотингда учай мен ҳам!

Атроф чаман, ахир кўклам,  
Маъшуқ тоғда олурсан дам.  
Олмос чўққи — Бештовга уч,  
Бўталоқлар тоғини қуч.  
Қанотинг ёз Эльбрус томон,  
Чўққиларда момиқ туман.  
Булутлардан баландроқ уч,  
Казбек узра топиб севинч.  
Чу, хаёлим  
Дулдулгинам,  
Қанотингда учай мен ҳам!

Ҳали қанча манзил ошгунг  
Гўзал Болқар томон шошгунг.  
Атроф яшил, рангин кўкат,  
Бунда севинч ҳамроҳ фақат.  
Теберда-да мрамар қаср  
Хаёлингни этур асир.  
Ҳеч тўхтама, баландроқ уч,  
Кавказ тоғин чўққисин қуч!  
Чу, хаёлим  
Дулдулгинам,  
Қанотингда учай мен ҳам!

О, юрагим сен ҳам ҳорма,  
Дулдулингдан тушиб қолма.  
Баландлайвер чўққи томон,  
Йўлинг бўлсин доим равон.  
Чу, хаёлим  
Дулдулгинам,  
Қанотингда учай мен ҳам!



## МАЪШУҚ

Орзу каби юксак-юксакда  
Бештов билан беллашиб яккаш,  
Маъшуқ турар бўй чўзиб кўкка,  
Шоир янглиғ мағрур,  
хаёлкаш...

Атрофида кўм-кўк зайтунзор,  
Кавказ халқи бу тоққа ошиқ.  
Йигит, бўлса ёнида дилдор,  
Мезбонидир ҳамиша «Маъшуқ».

Маъшуқ сувин ҳикматг катта,  
Тонгда қуёш бетини ювар.  
Ой оқшомда қўниб, албатта,  
Чўнг чўққида кундузни кутар.

Қуёш ботар паллада чўққи  
Қизаради қиз ёноғидай.  
Тонг пайтида тоғ папоқ кияр.  
Оппоқ туман — пахта тоғидай.

Орзу каби юксак-юксакда  
Бештов билан беллашиб яккаш,  
Маъшуқ турар бўй чўзиб кўкка,  
Шоир янглиғ мағрур,  
хаёлкаш...

## ❁ «ЭОЛЬ АРФАСИ» ШИЙПОНИ

Инсон тафаккури яратган сеҳр,  
Хаёлий бир дунё, гўё каромат...  
Бештов диёрида бордир шундай ер,  
Куй чиқар шийпондон жуда аломат.

Арфа садолари янграр жарангдор,  
Сўнгра эриб кетар унинг оҳанги.  
Унда ҳеч бир зот йўқ, бўлингиз иқроор,  
Эоль мусиқасин йўқ эрур сўнгни.

Оқ туман папоқли Маъшуқ тоғида  
Худди посбон каби турар бу шийпон.  
Ҳа, баҳор тоғдан қор кўчган чоғида  
Қор каби ярақлаб кетади осмон.

Шамол эсар, шийпон таратади куй,  
Бу куйда акс этур буюк бир қудрат.  
Унда мужассамдир уч юз йиллик ўй,  
Унда мужассамдир қадим бир ҳасрат...

Шийпонча устунни кўнглимга мадад,  
Мен мағрур турибман чўққидан боқиб.  
Санъатга топинмоқ шоирга одат,  
Қалбим оловлар чакмоқлар чақиб.

Санъатга топиниш шоирга одат...

---

<sup>1</sup> «Эоль арфаси» Пятигорскдаги Маъшуқ тоғида XVII асрда қурилган энг ноёб обидадир. Эоль арфасининг торлари сабо эсан чоғларда куйлаб туради.



## СОҒИНГАНМАН

Бугун ўн кун, мажнун йўсин  
Дилбаримни соғинганман,

Товус янглиғ хиром этган  
Сарваримни соғинганман.

Эшитмай шаҳлодан бир ун,  
Мен паримни соғинганман.

Тўлишган, яшнаган гулруҳ,  
Севаримни соғинганман.

Сўзи малҳам, гўзал там-там,  
Чеваримни соғинганман.

Коинот кўкида яшноқ  
Ахтаримни соғинганман.

Кавказда Шамс, узоқ кунлар  
Мен ёримни — соғинганман.



## «ЎЗБАКЖАН»

(Ҳазил)

Кўк дара бағрида турфа хил маскан,  
Қаҳвахона ичра чироқлар ёниқ.  
Ёшларки гўшага ташриф этаркан.  
Ол шароб ичишар бахтдан қувониб...  
Мен ҳам кириб бордим куёвдек қувнаб,  
Деворлар сурати ақлим этди лол.  
Пазандалар юрар қуёшдек яшнаб,  
Сутга чайгандек оқ,  
қошлари ҳилол.  
Бирига русчалаб этгандим сухан,  
У менга боқаркан кўзда ҳаяжон,  
Ёнимга келди-да ул писта даҳан:  
«Озор гизиман, — дер, — надир ўзбакжан?»  
Қардош жонон кулиб ишвали боқди,  
Нигоҳи дил боғлар...  
ҳар сўзи асал...  
Зарафшон дарёмдек севгида оқди...  
Лаблари олболи,  
сўзлари ғазал.  
— Ай, Гумушхондек гиз, вер, — дедим, — шароб,  
Дилнавоз келиндек қувноқ экансан,  
Қимлигинг билмайман гўзал моҳитоб,  
Ўзбек пахтасидек оппоқ экансан...  
Жонон кула-кула оқ чағир тутди,  
Симирдим,  
Ноз ила боқарди жонон.  
Гўзал қиз завқ-шавқи қалбимга ўтди,..  
Кавказ деса дилим ўртанар ҳамон.

---

<sup>1</sup> О л б о л и — олича





## ФРАДИЯ

Тоғда учрашгандик гүзал.  
Олтин қуёш чиқмаганда,  
Қўлда лоланг ёнар ял-ял,  
Ранги тоққа кўчмаганда,  
Менга қилдинг гул ҳады —  
Фрадия,  
Фрадия.

Гулинг қўлда,  
ортдан чопдим,  
Гўё тоғдан дунё топдим.  
Сен борардинг Архиз томон,  
Чегем дарёси ёнма-ён,  
Қўшиқ айтдинг нима де-я?..  
Фрадия,  
Фрадия.

Кўзларингда чақнар севги,  
Ёноғингда ўйнар кулги.  
Бошлаб бординг лимонзорга.  
Боғ ўхшаркан чаманзорга,  
Юрган йўлинг гул эди-я!  
Фрадия,  
Фрадия.

Қўлингдаги яшноқ лоланг  
Ёшлик рамзи қизил экан.  
Кавказда бу нодир бойлик,  
Ўзинг каби қирмиз экан.

Гулга тўлсин бағринг дея —  
Фрадия.

Фрадия.

Кабардин қиз, тилларинг бол,  
Мен-ла қани кетсанг, ҳилол.  
Ошиқ аканг топиб иқбол,  
Бахт муяссар бўлиб дарҳол —  
Иккимизгга тўй эди-я...

Фрадия,

Фрадия.



## КАВКАЗ ЛОЛАСИ

Чўнг қоя,  
бурама тоғ ўнгирлари  
Севги ва руҳларнинг макони — дара.  
Эшитилар каклик, саъва ҳувлари:  
«Ҳу, ана, кўк қоя, устига қара!»

Завқ билан қарайман, ёппа лолазор,  
Боку қирларига баҳор сеп ёзган.  
Унда оқ лолалар гўё пахтазор,  
Бутун бойлигини элга тутқазган.

Баҳоринг мунчалар фусункор ва лаъл,  
Ёзинг бунча гўзал, баҳаво, майин.  
Шундан ошиғинг кўп азалул-азал,  
Бир кўрган келаркан яна йил сайин.

Шивирлаб ёгади ёмғир беғубор,  
Гўё ёрга қиз пичирлаган каби.  
Ёрнинг пичирлаши роҳатдир яқбор,  
Ёр—ёмғир, йигит—ер, топишган лаби...

Мана қўлда лола, хушҳаво Кавказ,  
Гуллар нашъасидан масту беҳушман.  
Илҳом мени бунда тарк этмас бирпаст,  
Самода чарх уриб айланган қушман.

О, Кавказ, долангнинг ҳидлари роҳат,  
Йигит қиз кучгандек севги туяман.  
Соф ҳавонг симириш менгадир одат,  
О, сени жон-тандан беҳад севаман!



Тебердада кўрдим оҳу  
Ва юрагим эттию шув,  
Эслаб Водил кийикларин,  
Тутайин деб бунда бирин,  
Ортдан чопдим,  
ошиб қоя —  
Домбай<sup>1</sup> юксак бениҳоя.

Интилардим оҳу томон,  
Атрофимда оппоқ туман  
Белимгача ботдим қорга,  
Дўстлар кулди,  
йўйиб орга...

Уйлагандим,  
тутгум осон,  
Оёқ, белдан кетиб дармон,  
Тоғ бошида қолдим туриб,  
Оҳу борар секин юриб.

Бу ўлканинг оҳуси кўп,  
Чиройли-ю, чопқиркан хўп.  
Тутсам бирин олиб кетгум,  
Йўқса шунда қолиб кетгум...

---

<sup>1</sup> Домбай — қишлоқ номи.



## ЛОЧИН ПАРВОЗИ

Рафиқам Шакаройга

Бир муддат уясин тарк этиб лочин,  
Пўлат қанотларин ёзади кўкка.  
Ортида талпинар полапонлари,  
Орзу-истаклари — учмак юксакка.

Лочин қанча учсин — уяда кўнгли,  
Мурғак фарзандларин унутмайди ҳеч.  
Тумшуқда кўтариб ўлжаси — юкни,  
Инига интилиб яшар эрта-кеч.

Мен Кавказ тоғларин бағрида ҳарчанд  
Жўшқин илҳом ила қанча бўлмай банд,  
О, ёрим, ёддасан, фарзандлар — дилбанд,  
Ёнингга талпингум шу лочин монанд.



## ЯРАДОР ЧИНОР...

Ўн қучоққа сиғмас ҳайбатли чинор  
Усарди бир зилол чашма бошида.  
Юз ёшида чинор бўлган ярадор,  
Фашист ўқи теккан нақ юз ёшида.

Чинор танасида шох йўқ, яланғоч,  
Яланғоч чўнг тана юм-юм йиғлайди.  
Уни тавоф этиб келар одамлар,  
Остида бир булоқ мунгли куйлайди.

Ярадор танаси ҳамон қийнайди.



## БЕШТОВ

Бештов!

Она юртдан нарида  
Ўзингга бахш этдим кунларим.  
Бу сервиқор тоғлар бағрида  
Ўтар ажиб, ойдин тунларим.

Япроқларни ўйнайди еллар,  
Сатрларни шивирлаб лабим.  
Қувонаман, кўзларим кулар,  
Қоғоз узра тўкилар қалбим.



## ЭДЕЛЬВЕЙС

Чўққида кўрганим гўё бир пари,  
Кумуш ҳарир ичра кўҳлик раққоса.  
Шамолда тебранар гуллар сарвари,  
Қизлархондек рақсга тушарди роса.  
Табиат қаромати шу эмасмикин,  
Нуқра қор устида ўсар Эдельвейс.  
Митти нилуфару оқ барглар секин —  
Бош силкиб ўйнашин қилар эдим ҳис.  
Кавказ табиати шаддод ва ноёб  
Бу диёр авалдан санъатга макон.  
Эдельвейс—ишқ рамзи, саналур камёб,  
Йигитга илк гулни тутаркан жонон.  
Оқ гулнинг ҳуснига, бўйи, кучига,  
Қизлар мафтун экан юракдан, ажаб.  
Гул эса ўсаркан тоғлар учида  
Хусну тароватин юксакда асраб.  
Бахт гули аталмиш бу нозик ниҳол,  
Муҳаббат тимсоли ошиқ кўзига.  
Мен тоғдан илк уздим бу гулни ҳушқол,  
Бахт кулиб боққандек фақат ўзимга.  
Кавказдан келтирдим она юртимга  
Дўст гули уйимга бахш этди баҳор.  
Эдельвейс шодасин босгум бағримга,  
Қардошлик ва тинчлик бўлсин барқарор!

---

<sup>1</sup> Э д е л ь в е й с — Бахт гули



## ХАЛИМАТ

Боксон<sup>1</sup> дарё қирғоқлари бир жаннат,  
Бу водийда қанча яша, тан сиҳат,  
Халиматга интиламан мен ёна,  
Мандаринин тонгда ейиш баҳона.  
Бирин ейман, тўрт, беш, ўндан — нафс қона,  
Кўзи-кўзга тушди, яна дил ёна...

Халимат дер:

«Ейвер меҳмон, марҳамат!»

О, Халимат,

жон Халимат,

Халимат.

Мен Кавказга дўстлар излаб келганман,  
Кабардиннинг сарин елин севганман.  
Боқунинг ҳам боғларини кўрганман,  
Ширин-шакар апельсинлар еганман.  
Аммо мева емагандим бу сифат  
Шундан боғинг томон чопгум ҳар соат.

О, Халимат,

жон Халимат,

Халимат.

Халиматга сирдош бўлгин, десамми?  
Бирга юргин, йўлдош бўлгин, десамми?  
Шодликларинг бунчалар мўл, десамми?  
Ошиқларга доим кенг йўл, десамми?  
Олиб кетай, Тошкентга юр десамми?  
Хайр, Халимат,

жон Халимат,

Халимат.

---

<sup>1</sup> Боксон — Кабардино-Болқар тилида боғсан, боғистон маъносини англатади. Русча талаффузда «Боксон» деб кетилган.





**ОТА МАКОН**  
(Қайсин Қулиевдан)

Осмонга бош тирар баланд Чегемда,  
Қоя бошидадир ота маконим.  
Мен юрмай қай жойда, шу ер ёдимда,  
Қялбимда яшайди туғилган жойим.

У ерда ҳар нарса эди муҳайё,  
Меҳрга лим тўла отам нигоҳи.  
Она қалби дарё, қучоғи дунё,  
Унинг алласидир меҳрим гувоҳи.

О, сен қадимий уй,  
Сеҳрли маскан,  
Аллалаб вояга етказган бешик.  
Ўтмишим бирма-бир жонланар экан,  
Ланг очиқ туюлар эртанга эшик!

Ҳу, ана тик қоя,  
Ҳу, ўша сўқмоқ,  
Бизнинг уйга томон бошлаган йўлка.  
Мўркон тутун пуркар, пишар бўғирсоқ.  
Онам нон ёпмоқда тикилиб йўлга.

Токи мен тирикман,  
Энг табаррук жой  
Бу менинг туғилган ота маконим.  
Чегем овули бу тоғу сойга бой,  
Шу ерда томгандир киндигим қони.

Келдим мен соғиниб,

Тошқўрғон ичра  
Ёлғиз ўлтирибман, милтиллайди шам.  
Менга ҳаёт ато этгандир аниқ  
Оддий шу тош қалъа,  
Шу бешик бир дам!

Гарчанд ўз уйим бор  
Гавжум шаҳарда,  
Биллур қандиллари ёритар уни.  
Аммо кўнглим тусаб куз ё баҳорда,  
Ўтказгум бу ота юрда кунларни.

Токи тирикман мен,  
Энг табаррук жой  
Бу менинг ватаним — ота маконим,  
Чегем овулим бу, тоғу сойга бой,  
Шунда туғилганман,  
Шу ерда жоним!



## КОИНОТ ТИН ОЛУР, КЕЧ СОКИН ОҚШОМ...

(Қайсин Қулиевдан)

Оқшом кўк сийнаси тўлмиш юлдузга,  
Саъва ҳам сайраркан дея: «Тонг йироқ».  
Бу кеча ҳеч уйқу келмайди кўзга,  
Олам ташвишларин ўйлайман узоқ...

Олис дараларда тун олар ором,  
Дарёлар бўйида от юрар ўтлаб.  
Милт-милт ёнар гулхан дилни қилиб ром,  
Беқиёс завқ олдим барига қараб.

Коинот тин олур, кеч сокин оқшом,  
Уйқуда саъва ҳам, ухлар барча қуш.  
Не учун бедорман,  
айтгил эй одам?!  
Не учун тарк этди уйқу, ширин туш...

Мана, зулуматдан қолмади асар,  
Уфқ гардишлари қирмиз, лолагун.  
Биламан, тун умринг қисқа муқаррар,  
Лекин ташвишларим чекинмас нечун?

Оплоқ тонг ёришар,  
Нурли табиат,  
Дарёдан учади  
Туманлар бебош,  
Мен-ку, ҳеч нарсага қилмасман ҳасад,  
Лек тинч ўтирмоққа ҳам етмас бардош!



## МЕНИНГ НАВРЎЗИМ

(Озарбайжон шоираси Комила  
Нейматовадан)

Уйқу оғушидан ерни барвақт уйғотиб,  
Қир-адирга кўм-кўк гилам тўшатиб,  
Қаҳри қаттиқ — совуқ қишни юмшатиб,  
Кириб келди кўклам, маним наврўзим.

Баланд-баланд тоғлар қорин эритиб,  
Денгизлар музининг қат-қатин ситиб,  
Мудроқ дарахтларни гулга беркитиб,  
Оламини яшарти маним наврўзим!

Сен манглай теримдан томган  
Дур — томчи.  
Ерга буғдой сепсам,  
Ўзинг — илҳомчи.  
Боғимга ток эксам, этиб қаламча,  
Ҳаёт мураббийси, она наврўзим!

Тошни тошга урган  
Қувноқ шаршара, —  
ГЭСлар қанотида  
Учмоқда, қара!  
Ҳар ёнда лолазор, гўзал манзара,  
Мадҳингни куйлайди қалам, наврўзим!



## ҶИЗ ДАШНОМИ

(Ҳазил)

### I

Шу баҳор еган эдим  
Жуда ёмон бир дашном.  
Мендан қиз кулган эди,  
Айтиб берай, кел ошнам!

### II

...Хушнуд кезиб юардим,  
Кабардин боғларида.  
Гоҳо хаёл сурардим  
Эльбрус тоғларида...

Атрофимда чечаклар  
Чунон очилган эди.  
Чамам, бу йил Кавказга  
Юлдуз сочилган эди..

Ёнгинамдан эшитдим  
Қиз кулгиси — бир товуш.  
Ўзимни ёш ҳис этдим.  
Қалбга кириб ишқ, ташвиш...

### III

Икки эчки етаклаб  
Бир жонон келар эди.  
Эчкилари юрмаса,  
Қиқирлаб кулар эди.

Қиз қорақош, қоракўз,  
Ширмон нондек ёноғи.

Завқини боса олмай,  
Тинмас сийна ўйноғи...

Бир ўрим соч олдида  
Илондек тўлғанарди.  
Ол юзи қуёш каби  
Кулгидан чўғланарди.

«Эчкингни сотмайсанми,  
Гўзал гардашим?» дедим.  
Дуруст гап топмайманми? —  
Лобардан дашном едим.

«...Ўғлон бўлсанг верардим  
Эчки ва ўзни, гардаш.  
Сочи оқ бободурсан,  
Чўх, санинда, кўнглинг яш...»

Эчкиларини қувлаб,  
Қиз шундай қилди гина.  
Мен сарсон... қолдим ўйлаб...  
Қочиб қолди Ундина<sup>1</sup>.

#### IV

...Иигитлик ўтган экан,  
Юрак-чи? Ун тўққизда.  
Шоирга «йўрғакда теккан...»  
Гуноҳ қиздамас, бизда...

Хушнуд кезиб юрардим  
Кабардин боғларида.  
Гоҳо хаёл сурардим  
Эльбрус тоғларида.

---

<sup>1</sup> Кавказ халқининг оғзаки ижодида кўп тилга олинади.

У н д и н а — «Сув париси» маъносини англатади



## ХАЙР, КАВКАЗ

Чўққидан юксалган чайир сор бургут  
Каби сендан Кавказ, бугун учаман.  
Кўзим қамаштирар чўнг тоғли бу юрт,  
Эльбрус усти қор, ости бир чаман.  
Кўм-кўк арчазорлар, ойнакўл боғлар,  
Юрагимга шифо, о, нарзан сувинг.  
Қанча даҳоларни кўришган арклар,  
Басавлат миноралар,  
Хайр энди, хайр!

Бештов қоясида куйлаган куйим,  
Маъшуқ чўққисидида ўйлаган ўйим.  
Халимат, Фрадия, боғбон қизларим,  
Феъли осмондай кенг азиз дўстларим,  
Қўли гул боғбонлар,  
Хайр энди, хайр!

Бағрингга келгандим мен айни баҳор,  
Кабардино-Болқар, эй, гўзал диёр,  
Нальчик узумининг таърифи бисёр,  
Лаззатин эслагум, таъми болча бор,  
Меҳмондўст дўстларим,  
Хайр энди, хайр!

Қорачойли, Черкасида ичган айроним,  
Тоғ қизи — ошифтам, ишққа ҳайроним...  
Бир коса қаймоқ билан сийлаган аёл,  
Казбекда кўрганим нуроний бир чол

Дилкушо боболар,  
Хайр энди, хайр!

О, Кавказ, сеҳрли ва фусункор диёр,  
Дара,  
тоғларингда минг афсона бор.  
Боболар эртагин тингладим хушҳол,  
Барини халқимга етказсам иқбол...  
Эртаксевар донолар,  
Хайр энди, хайр!

Лермонтов излари ўчмаган сўқмоқ,  
Мени катта йўлга чорлади ҳар чоқ.  
Казбек қоясида минганим тулпор,  
Илҳом қанотида елдирди бедор,  
Кавказлик чолларга ташаккурим бор,  
Серфайз сакла<sup>1</sup>ларинг унутмам зинҳор!..  
Маъсума оналар,  
Хайр энди, хайр!

---

<sup>1</sup> К а в к а з — Тошкент, апрель-май, 1975 йил.

<sup>2</sup> С а к л а — уй.





## ТҮРТЛІКЛАР

### Ленинга

Қувонтирдинг туғилганда бир хонадонни,  
Вафот этгач, ғамга қўйдинг бутун жаҳонни.  
Ортингда ном қолди — мангу яхшилик —  
Улуғлаб кетдинг сен эрк ва инсонни.

\* \* \*

Дейсанки: «Чиндан ҳам дунё ўткинчи,  
Оқиб кетгувчи ҳа, сувга ўхшайди».  
Мен дейман: «Бир ҳунар бошин тутгин-чи,  
Номинг улуғланиб, мангу яшайди».

\* \* \*

Туйғусиз ё ишқсиз, дардсиз яшашдан,  
Бу ҳаёт бағридан кетмак яхшироқ.  
Душманлар ошини мақтаб ошашдан,  
Бир умр оч-ночор ўтмак яхшироқ...

\* \* \*

Юксакдан менга сен қиласан димоқ,  
Лекин тез унутдинг: юксакка бир чоқ —  
Босиб чиққанингда қолган зинаман,  
Зинасиз тушмоқни ўйлаб кўр, ўртоқ!..

\* \* \*

Юрак муштдай-ю, лек хизмати улуғ,  
Парча эт тинмасдан меҳнат қилади,  
Ундан олгин ибрат ва қилгин қуллуқ,  
Даҳолар дил қадрин кўпроқ билади...

\* \* \*

Ҳар тўкисда бордир бир иллат,  
Сал гапга ҳам қалбим ёйди лат.  
Инсон қалби иссиқ бир шиша,  
Совуқ тегса, у синар албат.

\* \* \*

Тўхтатма ўқишни, етар деб билмим,  
Ҳовузга қарагин тўлганда лим-лим.  
Ариқдан пайдар-пай сув келмаганда,  
Қақрарди ва бағри бўларди тилим.

\* \* \*

Ота фарзандига қўяй деб исм,  
Хаёлан дунёни бир-бир кезади.  
Волидаи муҳтарам ёндириб жисм,  
Қуёшдан фарзандга нусха узади...

\* \* \*

Дунё билмин ўргандим анча-мунча,  
Билмаганим йироқ денгиз тубинча.  
Бу денгиз тубига етмоғим мумкин,  
Яшасам гар олам тургунча.

\* \* \*

Довондан толиқиб ошган туядек  
Ҳаллослаб қоларкан, кексайса киши.  
Қарилик ортингдан чопар соядек,  
Орзу-армонинг-ла йўқ ҳеч бир иши...

\* \* \*

Ҳаётим оппоқ бир дафтар варағи,  
Унинг саҳифасин безолганим йўқ...  
Ҳаётдан кўп эмас шоир сўроғи —  
Оқ бетда шеър қолур дея кўнглим тўқ...

\* \* \*

Одатим йўқ «оқ»ни «қора», дейишга,  
Пуч нарсани эса «сара» дейишга.  
Яхшилар ўргатди ҳикматли ишга —  
Яхшиликни ўз ўрнига қўйишга...

\* \* \*

Гапни гапга уласанг тунинг кундуз бўлади,  
Оймома қариганда, дерлар, юлдуз бўлади.  
«Майхўр қариганида, — дейди доно кексалар, —  
Ё, банги, ё кўкнор, қўйинг, тутруқсиз бўлади».

\* \* \*

Оқшом чоғи кўкка тикилдим узоқ,  
Тепамда порлади сенинг юлдузинг.  
Кошкийди жонгинам бошимда ҳар чоқ —  
У ёруғ юлдузмас, турсанг сен ўзинг.

\* \* \*

Ҳаётга киргандик: «Қани, пўшт-пўштлаб»,  
Ҳадемай қайтамиз: «Хайр, хўш-хўшлаб...»  
Ортада-чи? Ном қолур, яхши ё ёмон —  
Одил халқ турибди тарози ушлаб.

\* \* \*

Ёрим, сенга ташна қалб-ла боқаман,  
Юрагимда ишқинг ўтин ёқаман,  
Сенга меҳрим тушган кундан бошлабоқ  
Хаёл дарё... тинмай унда оқаман...

\* \* \*

Симоб бўлур беҳад ялтироқ,  
Ялтироғу олтинмас бироқ.  
Ялтираган баъзи одамнинг  
Не фарқи бор симобдан, ўртоқ!

\* \* \*

Офтоб чоғи соя бўлай мен сенга,  
Ёмғир ёғса бўлай жонон бошпананг.  
Сен ол гулсан, йўқ, бермасман ҳеч кимга,  
Қуёшдан ҳам ёруғ сенинг пешонанг.

\* \* \*

Мен қатраман — қуёш бўлаги,  
Қуёш узра акс нури дийдам.  
Мен қатраман — шоир юраги,  
Шу юракка жодир бор олам.

\* \* \*

Ҳасратимдан қалбимда ўт,  
Тос тепамдан чиқмоқда дуд.  
Бир мисра шеър бўлса манзур,  
Бор дардларим бўлар унут.

\* \* \*

Мен ҳайронман табиат карамига:  
Ҳар кимнинг феълича ризқ улайди.  
Ҳар махлуқни ташлар ўз имконига,  
Дарёда сув кўп, ит тил-ла ялайди...

\* \* \*

Не қисматки — ҳаёлимдасан,  
Руҳинг мени ёлғиз қўймас ҳеч.  
Ҳар тун мени ташлаб оташга,  
Кўкда юлдуз янглиғ ўзинг тинч.

\* \* \*

Юрагим, юрагим, мен сенга иқрор,  
Дунёда кўргансан аҳли-риёни...  
Мулзам ё лол бўлиб қолсанг-да, гоҳо,  
Меҳнатдан топгансан асл маънони.

\* \* \*

Мен шуҳрат истамайман, йўқ,  
Шуҳратпараст эмасман асло.  
Меҳнатимдан элнинг кўнгли тўқ —  
Бўлган куним шуҳратдан аъло.

\* \* \*

Чунон бойсан ёки билимдан,  
Тез-тез уни қилаверма пеш.  
Завол топиб бўлади гумдон,  
Юз ўгирса дўсту элу хеш...

\* \* \*

Минг чиран бефойда,  
Обруйинг кетар.  
Уй қурма бўш жойда,  
У нураб битар...



## ЭРТАКЛАР

### СИРЛИ БУЛОҚ

#### I

Зарқасрнинг ёнида  
Қайнаб ётар бир булоқ.  
У Лермонтов номида,  
Афсонаси кўп узоқ...  
Дейдиларки, овулда  
Яшаркан чолу кампир  
Бир кун чол ўтин териб,  
Ўрмон кезибди абжир.  
Беҳад толиб, ютоқиб  
Сув ичибдир уч ҳовуч.  
Чашма суви, оҳ, ёқиб,  
Қалби ундар яна ич!  
Қувват кириб белига,  
Ўзин сезибди енгил.  
Қайтгандек йигитликка,  
Овулга келибди ул.  
Барча ҳайратда боқур  
Чолга-чи, ёшлик ёқур...  
Дерлар: «Кекса чол ахир  
Ёшарибди қандоқ сир?...»  
Уйга етиб келса чол,  
Кампири боқар ғалат:  
«Не гап ўзи? — дер дарҳол, —  
Ёшарибсан, не ҳолат?»  
Чол кўзгуга қарабди,  
Ишонмабди кўзига.  
Ун тўққизга кирган бир  
Йигит турар кўзгуда.

## II

Кампири боқиб зимдан:  
«Сир не, дер, дарров айт?»  
«Ичдим булоқ сувидан,  
Навқирон бўлдим шу пайт».  
«Сирли сув қай манзилда,  
Айта қол, менга дарров?  
Мен ҳам ёшарай зумда,  
Ёшарайлик биз икков»...  
Оҳиста чашма йўлини  
Қайдалигин айтаркан,  
Кампир қилар шукрона:  
«Шукр, ёшлик қайтаркан...»

## III

Ютоқиб симпириб сув,  
Кампир шод, хандон экан.  
Гўзал қиз бўлибди у,  
Ҳусни бир жаҳон экан.  
Кўзи тўймасдан лекин  
Ичаверибди секин.  
Шилдирар сирли булоқ,  
Кампирда йўқ ҳеч қониш.  
Бўлибди сўнг чақалоқ,  
Ичавериб бояқиш.  
Йигит кутар кечқурун  
Тугаб тоқату мажол.  
Булоқдан топиб гўдак,  
Билолмабди бу не ҳол.  
У чол қайтар овулга,  
Қўлда бола, эл ҳайрон.  
Охири ҳамма билиб  
Гап-сўз бўлмиш хонадон.

\* \* \*

#### IV

Қилни қирқ ёрган чоллар  
Гўдакка боқишиб лол.  
Дебдилар : «Сирли сувни  
Ичиш тўхтасин дарҳол!  
Сувни беради табиб,  
Яшармоққа баҳона  
Қилибди бизга насиб,  
Кавказ суви дурдона».  
Аммо сувдан ҳеч кимса  
Кампирдай ичмабди ҳеч,  
Чол ё кампир яшариб,  
Меҳнат қилмиш эрта-кеч.  
Бу қутлуғ макон сари  
Келаверган эл оқиб.  
Эртани ўқиб обдан,  
Кўринг мағзини чақиб...

#### V

Осмонда кўп юлдузлар,  
Мозоротда марҳумлар.  
Тирикларда орзулар,  
Борки, бир кун ушалар.  
Инсон эзгу — тилаги  
Табиатни ўзгартмоқ.  
Уриб турса юраги  
Мангу яшаб, хушчақчақ.

Шул-чун тирик юракни  
Қўйиб ўлик танага.  
Неча бор бу тилакни  
Ҳаким ёймиш дунёга.

Афсуски, олий ният  
Кашфсиз қолмиш ҳамон.  
Илму фан тинмай албат  
Жадаллар мақсад томон.

Ҳали ҳажки табиат  
Ешлигимиз олмоқда,  
Йилдан йил кетиб қувват  
Улим жавфин солмоқда.»

## VI

Шуни ўйлаб ётган чол  
Яшарганмиш тушида.  
Ёнин пайпаслаб хушҳол  
Кампири ақл, ҳушида.  
Қўзин очса, уй ўша,  
Узин кўрпа-тўшаги.  
Иссиққина соз гўша,  
Қўлтиғида пишаги<sup>1</sup>.

Кампир недир пишириб  
Печъ ёнида гивирлар.  
Чол қовоғин пишириб,  
«Чақалоқ», деб шивирлар...

## VII

Кавказлик қурғур бу чол  
Тушин айтди ўзимга.  
Эртак қилдим, мен дарҳол  
Рост, ишонинг сўзимга.

Инсон борки ҳаётда  
Яшармоқни ўйлайди.  
Бу афсона албатта,  
Бўлган эмас, бўлмайди.

---

<sup>1</sup> П и ш а к — мушук (шева).





— Нега сени «қора» дерлар?  
«Юрак бағри пора!» — дерлар?..  
Зарафшоннинг укажони,  
Она ерим қони, жони?!  
Дарё суви киркаланди.  
Тўлқинлар шўх эркаланди.  
Сўнг зумда сув қорайгандай,  
Қирғоқ гўё торайгандай  
Пўртаналар камар қилди,  
Тилга кириб, хабар қилди:  
— Ҳа, тарихим жуда узоқ,  
Жавоб бергум майли бу чоқ.  
Юрагимдир пора-пора,  
Сувим оқу, бағрим қора.  
Чунки менинг қучоғимда  
Жон бергандир бир бечора...

I

...Қадим-қадим замонларда,  
Каттақўрғон томонларда  
Яшарди бир соҳибжамол,  
Кўрган йигитлар ақли лол.  
Бекнинг қизи эди бу гул  
Сулув пари, кўп хуш кўнгил.  
Шу дарёнинг ўнг бетида.  
Қўшлаёл қишлоғин кетида  
Каттамингда бир кўмирчи  
Чол яшарди, воҳ қаранг-чи.  
Бор эди унинг бир ўғли  
Исми — Сафо, қалби чўғли.

Фарҳод каби у эди мард  
Юрагида йўқ эди гард.  
Сафоқулвой доим хушҳол,  
Кесиб терак, қайрағоч, тол — ,  
Сотар эди қилиб ўтин  
Турмуши ҳам эди тўкин.

## II

Сафоқулвой туя тортиб,  
Туясига юкин ортиб,  
Борди ўтин бозорига.  
Интизор у харидорга.  
Келиб қолди бир бекзода,  
Кийимлари кимхоб, тоза.  
Савдо қилиб ўтинни ул,  
Сарой томон бошлади йўл.  
Зўр қўшк экан бекнинг уйи.  
Сафоқулвой умр бўйи  
Кўрмаганди бундай уйни.  
Кўп қизиқ тақдир ўйини:  
У саройга лол кирган чоғ  
Ҳовлидаги ям-яшил боғ  
Қучоғидан бир париваш,  
Сарвқомат, нигоҳ оташ  
Гул мисоли сулув бир қиз —  
Икки кўзи — икки юлдуз  
Чиқиб келди шўх-шўх кулиб.  
Ва... тўсатдан уни кўриб  
Тўхтаб қолди...  
Икков ҳам жим.  
(Бу не ҳолат, бу не тилсим?!)  
Бир-бирига боқиб қолди,  
Дилларига ишқ ўт солди.  
Йигит шодон қайтди шу кун,  
Шўх қўшиқлар айтди шу кун.  
Бироқ уйда туролмади,

Не савдо бу, билолмади.  
Утин йиғиб яна тезда  
Ой тепага келган кезде,  
Қайдасан деб эй, ҳур пари  
Боз йўл олди шаҳар сари.  
Моҳидил ҳам зор-интизор,  
Ўтказарди тунни бедор.  
Кутар эди Сафосини,  
Юрак дардин даъвосини.  
Учрашишди улар яна,  
Икки ошиқ ёна-ёна  
Гувоҳ дея Чўлпон юлдуз  
Бир-бирига бердилар сўз.  
Шу зайлда Сафо ҳар кун  
Бахмал тўнин ечмасдан тун,  
Жонни қўйиб хавф-хатарга,  
Тушаверди кенг шаҳарга.  
Оғир эди у дамларда:  
Бойлар қашшоқ одамларга  
Ўтказарди жабру ситам,  
Камбағал-да, Сафоқул ҳам.  
Шунинг учун бек қизини, —  
Сафоқулнинг юлдузини  
Бермаслиги аён эди.  
Бир кун Сафо шундай деди:  
— Моҳидилим, кел қочамиз.  
Ўз бахтимизни очамиз.  
Уйда кутар ёлғиз отам,  
Иккимизга бўлгин ҳамдам...

### III

Ушбу сирдан тонгда ногоҳ  
Бек бўлди-ю бирдан огоҳ  
Ғазаб билан ўқирди у,  
— Топинглар!!! — деб бўқирди у...

Икки ошиқ айна шу дам  
Пастак уйда ёқишиб шам,  
Юракларда севинч оқиб,  
Бир-бирига тўймай боқиб,  
Туришарди шоду қувноқ,  
Диллар эди тонг каби оқ  
Кўп ўтмай бек лашкарлари  
От қўйишиб қишлоқ сари.  
Йигит-қизни олди тутиб,  
Чол-чи, қолди қонлар ютиб.

#### IV

Бекзода берди фармон:  
Буларни қўймай омон,  
Тезда боғлаб бу қулни,  
Кишанлаб оёқ-қўлни  
Шўх дарёга ташланглар,  
Қани, дарҳор бошланглар!  
Уни тезда кишанлаб,  
Баланд жардан нишонлаб  
Дарё томон отдилар,  
Бир он ўйга ботдилар.  
Йигит тубда йўқолди,  
Моҳидил фарёд солди.  
Юрак-бағри бўлиб қон.  
Югурди дарё томон...  
Буни кўриб оломон,  
Ғазабдан ёниб чунон  
Қонхўр бек лашкарини  
Битта қўймай барини  
Тизга дучор этдилар.  
Бекни эса тутдилар.  
Сўнг уни тикиб қопга,  
Чиқишиб баланд тоққа,  
Отдилар дарё томон.

Шундай қилиб бу нодон  
Тўлқинга ботиб кетди,  
Оламдан ўтиб кетди.  
Улуснинг кўнгли тўлиб,  
Қирғоқ узра жам бўлиб,  
«Қора дарё», — дедилар,  
«Бағри яро», — дедилар.

V

Раҳмат, сенга кумуш сув,  
Қора эмас, оқ сулув.  
У чоғлар энди ўтмиш,  
Қирғоғинг гуллаб кетмиш,  
Унг-сўлингда қасрлар,  
Шодон қутлар асрлар.  
Азминг ошиб, керилиб  
Ўз юртингга берилиб,  
Ажиб меҳнат этибсан.  
Муродингга етибсан.  
Бу кун сен зўр дарёсан,  
Қорамас, нур дарёсан.

К а т т а қ ў р г а н , 1977.



## МУНДАРИЖА

ЧАҚМОҚ . . . . .	4
БАТАН . . . . .	5
МАҚСАД . . . . .	6
АҚЛ ВА ЮРАК . . . . .	6
ИККИ ЛОЛА . . . . .	7
ВОДИЛДА . . . . .	9
ҲАЕТ, СЕНИ ЖОНДАН СЕВАРМАН . . . . .	11
ГАР КҶЗИМ ОЙ БҶЛСА . . . . .	11
МЕН СОҲИЛДА ҒАМГИН ҚОЛАМАН . . . . .	12
ШУКРОНА . . . . .	12
АТРОФ СОКИН . . . . .	13
ГУЛ ДИЕР . . . . .	14
СЕВИНЧ . . . . .	15
МИСРАЛАР, МИСРАЛАР . . . . .	15
ҚҶЛЛАР . . . . .	16
ЧИНОР ЯПРОҒИ . . . . .	17
БОҒБОН СҶЗИ . . . . .	18
НИЛУҒАР . . . . .	19
СЕНИНГ ИЗЛАРИНГ . . . . .	20
ДУЛАНА . . . . .	20

### ЧҶҚҚИДАГИ ШҶЪЛАЛАР ТУРҚУМ

БАҒИШЛОВ . . . . .	22
МЕН ТОҚҚА ЧИҚАМАН . . . . .	23
ЛУЛИ КИЗ . . . . .	24
КИСЛОВОДСК ОҚШОМЛАРИ . . . . .	26
ЧУ, ДҶЛДУЛНИМ . . . . .	27
МАЪШҶҚ . . . . .	29
«ЭОЛЬ АРҒАСИ» ШИИҒПОНИ . . . . .	30
СОҒИНҒАНМАН . . . . .	31
«УЗБАҚЖАН» . . . . .	32
ҒРАДИЯ . . . . .	33
КАВКАЗ ЛОЛАСИ . . . . .	35
ОХҶЖОН . . . . .	36
ЛОЧИН ПАРВОЗИ . . . . .	37
ЯРАДОР ЧИНОР . . . . .	38
БЕШТОВ . . . . .	38
ЭДЕЛЬВЕЙС . . . . .	39

ҲАЛИМАТ . . . . .	40
ОТА МАҚОН... (Қ. ҚУЛИЕВДАН) . . . . .	41
ҚОИНОТ ТИН ОЛУР, КЕЧ СОКИН ОҚШОМ... (Қ. ҚУЛИЕВДАН) . . . . .	43
МЕНИНГ НАВРУЗИМ... (Қ. НЕЙМАТО- ВАДАН) . . . . .	44
ҚИЗ ДАШНОМИ . . . . .	45
ХАЙР, ҚАВКАЗ . . . . .	47
ТУРТЛИКЛАР . . . . .	49
<b>ЭРТАКЛАР</b>	
СИРЛИ БУЛОҚ . . . . .	53
САФО ВА МОҲИДИЛ . . . . .	57

О—29

**Одил Шамси.**

Чўққидаги шуълалар. (Шеърлар ва эртаклар)—Т. «Еш гвардия», 1980.—64б.

**Адыл Шамси.** Лучи на скалах. Стихи и сказки.

ББК 84У37



На узбекском языке

**ШАМСИ АДЫЛ**

**ЛУЧИ НА СКАЛАХ**

Стихи и сказки

Издательство «Еш гвардия»—Ташкент 1980

Редактор *Тўлқин*

Рассом *Қ. Алиев*

Расмлар редактори *Э. Валиев*

Техн. редактор *Г. Аҳмаджонова*

Қорректор *С. Сайдалимов*

ИБ № 620

Теринга берилди 20.06.80 й. Босишга рухсат этилди 19.09.80 й.  
Р 15722 Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 1. Босма қоғозга «Школьная»  
гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 2.0.  
Шартли босма листи 2,34. Нашр листи 1,899. Тиражи 15000.  
Шартнома 127-79. Буюртма № 226. Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Қомитети «Еш гвардия» нашриёти,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб  
чиқариш бирлашмасининг 2-босмаҳонаси. Янгийўл, Самар-  
канд кўчаси, 44.